

Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 163930 на приобретение Бухоро вилояти Пешку туман Сўсана МФЙда жойлашган Пешку туман тиббиёт бирлашмасига қарашли тиббиёт контейнерларини кўчириб мукамал таъмирлаш

Способ проведения электронный

Дата 23.10.2022

Время рассмотрения 23.10.2022 20:14

Закупочная комиссия Пешку туман Тиббиёт бирлашмаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	HOTAMOV OLIM HALIMOVICH	Рахбар	Пешку туман тиббиёт бирлашма
Секретарь комиссии	XAYRIYEV UMIDJON HALIMOVICH	Умумий масалалар буйича уринбосар	Пешку туман Тиббиёт бирлашмаси
Член комиссии	IMOMOV ULUG'BEK SAYFULLAYEVICH	Бош хисобчи	Пешку туман Тиббиёт бирлашмаси
Член комиссии	KARIMOV OTABEK LATIF O'G'LI	Проф союз	Пешку туман Тиббиёт бирлашмаси
Член комиссии	NAVRO'ZOV ALBERT NURIDDINOVICH	Бош мухандис	Пешку туман Тиббиёт бирлашмаси
Член комиссии	SANOYEV KAMOLJON KOMILJONOVICH	Хужалик ишлар мудири	Пешку туман Тиббиёт бирлашмаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 23.10.2022 года № лота 163930.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 180

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по капитальному ремонту зданий
Подробное описание	Бухоро вилояти Пешку туман Сўсана МФЙда жойлашган Пешку туман тиббиёт бирлашмасига қарашли тиббиёт контейнерларини кўчириб мукамал таъмирлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	122 118 364.00
Стартовая сумма	122 118 364.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Иштирокчи томонидан ишларни бажариш муддати, бажарилган ишлар учун кафолат хат, бажарилган иш ва хизматлар учун бепул техник сервис хизматини курсатиш, Мехнатни мухофаза қилишда техника хавфсизлиги қоидаларига тулик риоя қилиниши буйича талаблар ва йуриқномалар ва қилинган ишлар. Коррупцияга қарши

талаблар

Тип: Бинарное значение

Описание: Иштирокчи томонидан ишларни бажариш муддати, бажарилган ишлар учун кафолат хат, бажарилган иш ва хизматлар учун бепул техник сервис хизматини курсатиш, Мехнатни муҳофаза қилишда техника ҳафсизлиги қоидаларига тулик риоя қилиниши буйича талаблар ва йуриқномалар ва қилинган ишлар. Коррупцияга қарши талаблар

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО GOLDEN SIFAT STROY	30	1	25	Экспертная		
STELLA STROY SERVISMCHJ	30	1	20	Экспертная		

Критерий №2 Иштирокчи қорхонанинг давлат руйхатидан даврдан бошлаб унинг иш тажрибаси қорхона томонидан бажарилган ишлар тугрисида маълумот

Тип: Бинарное значение

Описание: Иштирокчи қорхонанинг давлат руйхатидан даврдан бошлаб унинг иш тажрибаси бюртмачилар томонидан берилган тавсифномалар, шартномалар, ҳисоб варақ, Ф-3-Ф-5, Далолатномалар, ҳақида маълумот

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО GOLDEN SIFAT STROY	30	1	20	Экспертная		
STELLA STROY SERVISMCHJ	30	1	25	Экспертная		

Критерий №3 Иштирокчи қорхонанинг оғборида товар моддий захира мавжудлиги маълумотнома

Тип: Бинарное значение

Описание: Иштирокчи қорхонанинг оғборида товар моддий захира мавжудлиги маълумотнома.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО GOLDEN SIFAT STROY	30	1	28	Экспертная		
STELLA STROY SERVISMCHJ	30	1	20	Экспертная		

Критерий №4 Иштирокчи қорхона ҳақида маълумот

Тип: Бинарное значение

Описание: Иштирокчи қорхонанинг давлат руйхатидан даврдан бошлаб унинг иш тажрибаси (гувоҳнома, Низоми (устав) ва қорхонага тегишли булган қушимча маълумотлар

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
000 GOLDEN SIFAT STROY	30	1	30	Экспертная		
STELLA STROY SERVISMCHJ	30	1	30	Экспертная		

Критерий №5 Моддий-техника базаси

Тип: Бинарное значение

Описание: Ишни уз вақтида бажарилиши учун моддий-техника базаси борлиги Машина ва механизмлар ускуналарга эгалик қилиш учун ҳужжатлар иловаси Агар актда бошқача келишув бўлмаса ижарачи шартларида машина ва механизмлар ускуналардан фойдаланишга рухсат берилади Шу билан бирга иштирокчи ижара шартномасининг нуқчасини ва ёки лойиҳанинг муддати учун амал қиладиган шартномасини ижара берувчидан ушбу техникаларнинг энг яхши таклифларни объект танлови тугагунига қадар бошқа ишларга йўналтирилмаслиги тўғрисида кафолат хати билан илова қилиши керак Иштирокчининг мулк ҳуқуқи кучмас ва кучар мулкларини тўғрисида

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
000 GOLDEN SIFAT STROY	30	1	20	Экспертная		
STELLA STROY SERVISMCHJ	30	1	28	Экспертная		

Критерий №6 Иштирокчи корхонанинг тугатиш ёки банкротлик арафасида турмаганлиги мол-мулки мусодарага олинмаганлиги молиявий хужалик фаолияти тухтатилмаганлиги ҳамда муассислик келишув молиявий иштирок холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд бўлмаганлиги тўғрисида талабгорнинг тузилган шартномалар буйича лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилмаганлиги тўғрисида ваколатли ташкилот ва органлар томонидан тасдиқланган маълумотнома

Тип: Бинарное значение

Описание: Иштирокчи корхонанинг тугатиш ёки банкротлик арафасида турмаганлиги мол-мулки мусодарага олинмаганлиги молиявий хужалик фаолияти тухтатилмаганлиги ҳамда муассислик келишув молиявий иштирок холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд бўлмаганлиги тўғрисида талабгорнинг тузилган шартномалар буйича лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилмаганлиги тўғрисида ваколатли ташкилот ва органлар томонидан тасдиқланган маълумотнома

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
000 GOLDEN SIFAT STROY	30	1	20	Экспертная		
STELLA STROY SERVISMCHJ	30	1	20	Экспертная		

Критерий №7 Ишларни бажариш жараёнида аτροφ мухитга зарар етказмаслиги учун маиший чиқиндиларни бартараф этиш юзасидан қилинган ишлар

Тип: Бинарное значение

Описание: Юзага келган каттик маиший чиқиндиларни бартараф этиш учун яқин чиқинди ташлаш полигони билан

тузилган шартнома

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OOO GOLDEN SIFAT STROY	30	1	10	Экспертная		
STELLA STROY SERVISMCHJ	30	1	10	Экспертная		

Критерий №8 Иштирокчи корхонанинг доимий ишчи ходимлари тугрисида

Тип: Бинарное значение

Описание: Ишларнинг уз вақтида сифатли бажарилиши учун ишчи ходимлар хақида маълумот. Корхонанинг ишчи ходимларининг Бошқарув ҳамда ишчи гуруҳлари ва ишчиларнинг мақалари ва мутахассис ходимлар тугрисида қушимча маълумотлар. soliq.uz сайтидан Ф 4, ҳамда ту.mehnat.uz сайти, ва иш хақи туланганлиги маълумотлари булиши лозим.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OOO GOLDEN SIFAT STROY	30	1	24	Экспертная		
STELLA STROY SERVISMCHJ	30	1	24	Экспертная		

Критерий №9 Иштирокчи корхонанинг солиқ ва банкдан ҳамда мажбурий туловлардан қарзи йуклиги ва ноҳалол иштирокчилар реестрида мавжуд эмаслиги тугрисида маълумот

Тип: Бинарное значение

Описание: Иштирокчи корхонанинг солиқ ва банкдан ҳамда мажбурий туловлардан қарзи йуклиги ва ноҳалол иштирокчилар реестрида мавжуд эмаслиги тугрисида маълумот

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OOO GOLDEN SIFAT STROY	30	1	20	Экспертная		
STELLA STROY SERVISMCHJ	30	1	20	Экспертная		

Критерий №10 Бахтсиз ходисалар булган вазиятларда ишчи ходимларнинг хаёти сугурталанганлиги

Тип: Бинарное значение

Описание: Бахтсиз ходисалар булган вазиятларда ишчи ходимларнинг хаёти сугурталанганлиги

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OOO GOLDEN SIFAT STROY	30	1	30	Экспертная		
STELLA STROY	30	1	30	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SERVISMCHJ						

Критерий №11 Иштирокчи корхонанинг Мутахассисларнинг ва Корхонанинг курилиш соҳаси буйича сертификатларга ёки лицензияга эга эканлиги

Тип: Бинарное значение

Описание: Курилиш соҳаси буйича малакали мутахассислар тайёрлаш марказларидан, малака оширганлиги ҳамда укув куникмаларга эга эканлиги тугрисидаги маълумотнома ва Курилиш корхонанинг шу соҳа буйича мавжуд сертификати ва лицензияси

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО GOLDEN SIFAT STROY	30	1	15	Экспертная		
STELLA STROY SERVISMCHJ	30	1	10	Экспертная		

Критерий №12 Талабгор моддий таъминланганлиги ва йиллик маблаг айланмаси молиявий хисобот молиявий асосий курсаткичлар. Давлат солик идораларига электрон тизимида топширилганлиги тугрисида тасдиқловчи хужжат. Иштирокчининг талаб килиб олинганча миллий ва хорижий валютадаги асосий ва иккиламчи (булса агар) банк хисоб ракамларида маблаг мавжудлиги, К-2 ҳамда банк ссудалари буйича қарздорлиги мавжуд/йуқлиги, ва йиллик маблаг айланмаси ҳақида хизмат курсатувчи банкнинг хати

Тип: Бинарное значение

Описание: Бухгалтерия хисоби ва молиявий хисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тузилган охириги молиявий йил учун хисоботлар (Ф-1 ва Ф-2 шакллар ва бюджетга туловлар ҳақида), Молиявий аҳоли тугрисида асосий курсаткичлар. Маълумотлардан Мухторийлик, Ликвидлилик, копанганлилик ва НСОС курсаткичлари коэффициенти юқорилиги инobatга олинади. ДСИ электрон тизимида топширилганлиги тугрисида тасдиқловчи хужжат. Иштирокчининг миллий ва хорижий валютадаги асосий ва иккиламчи (булса агар) банк хисоб ракамларида маблаг борлиги, К-2 ва банк ссудалари буйича қарздорлиги бор/йуқлиги, ва йиллик маблаг айланмаси

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО GOLDEN SIFAT STROY	30	1	20	Экспертная		
STELLA STROY SERVISMCHJ	30	1	25	Экспертная		

Критерий №13 Иштирокчи корхонанинг курилиш соҳасидаги рейтинг тугрисида маълумот

Тип: Бинарное значение

Описание: Курилиш-пудрат ташкилотлари электрон рейтингдаги урни

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО GOLDEN SIFAT STROY	30	1	20	Экспертная		
STELLA STROY	30	1	20	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SERVIS MCHJ						

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
STELLA STROY SERVIS MCHJ	122 118 364.00	122 010 000.00 UZS	122 010 000.00	00.00	122 010 000.00	21.10.2022 19:26:31	9.9918
ООО GOLDEN SIFAT STROY	122 118 364.00	121 910 000.00 UZS	121 910 000.00	00.00	121 910 000.00	21.10.2022 19:14:17	10

Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
STELLA STROY SERVIS MCHJ	65.0772	9.9918	75.069
ООО GOLDEN SIFAT STROY	65.0772	10	75.0772

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 163930 от 23.10.2022 года на приобретение Бухоро вилояти Пешку туман Сусана МФЙда жойлашган Пешку туман тиббиёт бирлашмасига қарашли тиббиёт контейнерларини кўчириб мукаммал таъмирлаш определила победителем:

ООО GOLDEN SIFAT STROY
308249521

и резервный исполнитель: STELLA STROY SERVIS MCHJ (304647195)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	HOTAMOV OLIM HALIMOVICH	Согласен	
Член комиссии	IMOMOV ULUG' BEK SAYFULLAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	KARIMOV OTABEK LATIF O'G' LI	Согласен	
Член комиссии	SANOYEV KAMOLJON KOMILJONOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



26.10.2022 даги

"GOLDEN SIFAT STROY" МСНЖ ва Пешку туман Тиббиёт бирлашмаси ўртасида 121910000,00 сўм умумий
суммага тузилган 15 - сонли шартномага

ТУЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 054
Шахсий газна ҳисобварак 100022860062407072130054031

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			сумма
	4331200			Жами
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь	121 910 000,00			121 910 000,00
Ноябрь				
Декабрь				
Жами йил бўйича	121 910 000,00			121 910 000,00

Жами 121910000,00 сўм

Бир юз йигирма бир миллион тўққиз юз ўн минг сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 36573000,00 сўм ёки 30,00%*** шартноманинг умумий суммасидан
100% ***2022 йил октябрь ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан газначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади,

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига _____% жорий ойнинг _____ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномаси бўлиши билан олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари

Хотамов Олим Халимович

(имзо)

Ф.И.Ш.

Буюртмачи бош бухгалтери

Имомов Улугбек Сайфуллоевич

(имзо)

Ф.И.Ш.

Газначилик бўлинмасининг
ходими қабул қилди

Буюртмачи ходими
қабул қилди

(имзо)

(имзо)

« ___ » _____ 20 ___ й.

« ___ » _____ 20 ___ й.

Пудрат шартномаси № 15
“Тиббиёт бирлашма биносинининг мукаммал таъмирлаш”

Пешку тумани

2022 йил “26” октябрь

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Пешку туман Тиббиёт бирлашмаси номидан Низом асосида иш кўрувчи директор **Хотамов Олим** бир томондан ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб ритиладиган “**Golden Sifat stoy**” мчж номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбар **Хожиев Зулфиддин** иккинчи томондан “Пешку туман Сўсана МФЙда жойлашган Пешку туман тиббиёт бирлашмасига қарашли тиббиёт контейнерларини кўчириб мукаммал таъмирлаш” га доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

1. Таърифлаб

1. Мазкур шартномада тарифлар қулланилади:

“**ижро ҳужжатлари**”: - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қулланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар:

“**қурилиш майдони**”: Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади.

“**вақтинчалик ишлар**”: Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган ҳар тигдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

“**беркитилган ишлар**”:- сифати ва яқунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

шартномани нархини бўлиб чиқиш: ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектни умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (2022 йил “23” октябрь “22110012163930 сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда – 121 910 000 (бир юз йигирма бир миллион туксиз юз ун минг) сўмни ташкил этади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (2022 йил “23” октябрь “22110012163930 сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда – 121 910 000 (уттиз турт миллион) сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узел-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қуриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар тбундан мустасно;

қурилиш қиймати ва қўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда,

ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг қурилиши бир йилдан ортқққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортққ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 20%ни ўзининг қучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш оморга жойлаш ва сақлаш;

- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмунни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

- қурилиш таваққалчилигини суғурта қилиш.

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бушатиш;

қурилиш майдонини қуриқланишини таъминлаш;

қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник хафсизлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулккий жавоб беради.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:
- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
 - ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
- Пудратчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда куриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;
- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига 3 иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
 - мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
 - мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI. Ишларни бажариш муддати

10. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб:
- кейинчалик ЭАВ га конвертация қилган ҳолда миллий валютада (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун ҳужжатларга мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга қиради:
11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади
12. Танлов натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 30 кун (31 декабрь .2022) йилни ташкил этади.
13. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ-3953-сонли Қарор ,Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 22-апрел УРҚ-684-сон Давлат харидлари тўғрисидаги ҚОНУН Ўзбекистон 2014 йил 1 январдан 122 модда Ўзбекистон республикасининг Бюджет кодекс ва Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг газна ижроси қоидалари 2016 йил 22 январьда 2850-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Ҳазначилиқда рўйхатга олиниши шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган

VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30 % миқдориди, дастлабки икки ойга тенг улушларга (ойига 15 фоиздан) булган аванс ўткази, бу – 36573000 (Уттиз олти миллион беш юз етмиш уч минг) сўмни ташкил этади.
15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (3-илова)
16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматнинг 95 % гача доирасида амалга оширилади.
17. Объектнинг шартномавий жорий қийматнинг қолган қисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин ёки мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати (бир йил) тамом бўлгандан кейин ишлар қийматининг 5% гача миқдориди, амалга оширилади.
18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.
19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.
- Мазкур объект бўйича тулов Суд фаолиятини таъминлаш департаменти Бухоро вилоят ҳудуди булими томонидан ва 2022 йил учун мазилли дастурга асосан амалга оширилади.
- Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун молиялаштирувчи органлар томонидан маблағ молиялаштирилмаган тақдирда “Буюртмачи” тўлов учун мажбурият ва жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини – Техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.
21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.
22. Пудратчи Техник аудитор ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.
23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.
24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини қурилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.
25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.
26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортикча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.
27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.
28. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.
- Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.
29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.
30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.
31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.
32. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва қурилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.
33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.
34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.
35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.
- Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар ҳисобланмайди.
36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини қўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келтирилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.
- Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.
37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.
38. Ишлар бошланган пайдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмасилиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг

ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан коникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарига ўз фикирини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

IX. Ишларини кўриклаш

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллагунча ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олинганга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудига материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада кўрикланишини таъминлайди.

40. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

44. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгилаган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;
- лойиҳа ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;

- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишни;

объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати камида 12 ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқлашиб, уни бартараф этилганга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш қурилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳужалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

ХIII. Шартномани бекор қилиш

52. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга кечиктирилган ҳолда;
- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортик муддатга тўхтатиб қўйилганда;
- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига қўра тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

ХV. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, "Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,01 % (фоиз) миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10 % (фоиз) дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг 10 % (фоиз) миқдорига жарима тўлайди.

61. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,01 (фоиз) миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 10 % (фоиз)дан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,01 % (фоиз) миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 10 % (фоиз)дан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 1 % фоизи миқдорига ундириш ҳуқуқига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

64. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

ХV. Низоларни ҳал этиш тартиби

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суд томонидан қўриб чиқилади.

XVI. Алоҳида шартлар

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

67. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

68. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

69. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

70. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тулашни кечиктиришга ҳақлидир.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 4 нусxada тузилади.

XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари.

БУЮРТМАЧИ:

«Пешку туман Тиббиёт бирлашма»

Манзил: Пешку т. Янгибозор кучаси № 1 уй
Тел/факс 65-35-30-000
х/р 100022860062407072130054031
СТИР 200883606 Оқонх 91511

Банк: Марказийбанк Тошкент ш
Пешку тумани бўйича Газначилик булинмаси

МФО 00014 ИНН 201122919

ПУДРАТЧИ:

"Golden Sifat stoy" мчж

Манзил: Пешку туман Янгибозор, Ибн сино кучаси
Тел: 997088060
Х/р: 20208000805352307001
Банк: "Ипотека банк" АИТБ Бўхоро вилоят филиали
СТИР 308249521 МФО 00088
ОКЭД 47110

Газми ҳр 23402000300100001010



О.Ҳотамов

Рахбар:

З.Хамроев



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

KO2825602463

1. Lovihaning turi : Shartnoma
2. Lovihaning nomi: "**Golden Sifat Stroy**" MCHJ bilan 121 910 000 (bir yuz yigirma bir million tuqqiz yuz o'n ming) so'mlik Peshku tuman So'sana MEYda joylashgan Peshku tuman tibbiyot birlashmasiga qarashli tibbiyot konteynerlarini ko'chirib mukammal ta'mirlash ishlari (pudrat shartnomasi)
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Peshku tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan 27.10.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Peshku tumani
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:**



B.B.JO‘RAYEV

27.10.2022